XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 20 - noyabr VI-59-147-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ҳокимлиги хўжалик ходимларини рағбатлантиришга маблағ ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги хўжалик ходимларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 74,0 (етмиш тўрт) млн. сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**